



ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

INNOVATIVE TECHNOLOGIES

Илмий-техник журнал
2011 йилда ташкил этилган

2022/4(48)-сон

Илмий-техник журналга 2010 йил 4 октябрда асос солинган бўлиб, у 2011 йил март ойдан бошлаб чиқарилган.

Муассис:

Қарши муҳандислик-иктисодиёт институти.

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир:

БАЗАРОВ О.Ш.

Бош муҳаррир ўринбосари: техника
фанлари доктори, профессор
УЗОҚОВ Ғ.Н.

Масъул котиб: техника фанлари
доктори, профессор
АВЛАКУЛОВ М.

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Абдурахмонов Қ.Х. - и.ф.д., проф.,

ЎзР ФА академиги

Авлакулов М.А. - т.ф.д., проф

Аликулов С.Р. - т.ф.д., проф.

Ахмедов А. - т.ф.д., проф

Бакиев М.Р. - т.ф.д., проф.

ТИҚХММИИ МТУ

Бобомирзаев П.Х. - к.х.ф.д., проф.

ТошДАУ Самарқанд филиали

Зохидов Р.А. - т.ф.д., проф.

ЎзР ФА академиги

Игамбердиев Х.З. - т.ф.д. проф.,

ЎзР ФА академиги

Маматов Ф.М. - т.ф.д., проф.

Махмудов И.Э. - т.ф.д., проф.

ИСМИТИ

Рахматов М.И. - т.ф.н., доц.

Сидоров В.А. - д.э.н., проф. Кубан

давлат университети (РФ)

Уришев Б.У. - т.ф.д., проф

МУНДАРИЖА / CONTENTS

GEOLOGIYA-MINERALOGIYA FANLARI / GEOLOGICAL AND MINERALOGICAL SCIENCES

- Қурбонов Э.Ш., Ашуров О.Ғ., Абдурахманов Б.М., Исомиддинов Ё.Я.** Тоғ жинсларнинг литологик, петрографик ва физик-механик хосса ва хусусиятларини таҳлил қилиш (Сарикўл ва Ходжадик конлари мисолида) 3
- Тошпулатов Ф.Н. Гоипов А.Б.** Гравиметрическая характеристика территории южного Узбекистана 8
- Муродов А.И., Хабибуллаев С.Ш.** Хўжаобод ер ости газ иншооти кудукларида сақланадиган газ ҳажмини ошириш усуллари 12

TEKNIKA FANLARI / TECHNICAL SCIENCE

- Муратов Х.М., Хошимов Ф.А., Кадиров К.Ш.** Нормирование расхода электроэнергии на металлургических предприятиях с индукционными плавильными печами 16
- Атакулов Л.Н., Полвонов Н.О., Каюмов У.Э.** Конвейер тасмаларининг чидамлилигини янги усулларни қўллаш асосида ошириш 20
- Бердиев У.Т., Норбоев А.Э.** Регулируемый электропривод для насосных агрегатов 25
- Киямов А.З.** Автоматизированная система сигнализации измерения влаги 30
- Мирзаев О.А., Боймуратов Ф.Х., Мустапакулов С. У.** Механизмлардаги таркибли тишли цилиндрларнинг деформациясидаги ҳолат таҳлили 33
- Шодиев Ф.Ю., Эшбоев Э.А.** Интеллектуал тизим ёрдамида дон сифати юқори бўлган буғдой навларини аниқлаш 39
- Комилов А.Г., Насруллаев Ю.З.** Эффект поглощения света на электрофизические характеристики солнечных элементов 45
- Бабажанова И.Ю., Линкевич Н.Н., Сафаров А.А., Эркинов С.Т.** Асосий каналдан истеъмолчи каналга сувнинг оқиб чиқиш масаласи 48
- Махамов Х.Т.** Иссиқлик аккумуляторли чуқурлаштирилган гелиолимонрий 54
- Авлакулов М., Қодиров И.Э.** Қатламли тупроқларда ер усти ва сизот сувлари ўзаро боғланган оқимининг гидродинамик модели 57
- Чуянов Д.Ш., Эргашев Ғ.Х., Бўриев М.Д., Шодмонов Ғ.Д.** Комбинациялашган агрегат юмшаткичларининг ўзаро жойлашишини асослаш 61

Узоқов Ғ.Н.- т.ф.д., проф.
 Ҳамидов М.Х.- к.х.ф.д., проф.
 ТИҚХММИИ МТУ
 Хазратов А.Н. – т.ф.ф.д., доц.
 Чуянов Д. - т.ф.д., проф
 Эргашев Р.Х.- и.ф.д., проф.
 Эргашева Ю.А.- т.ф.д., проф.
 Эрматов Н.Х. - т.ф.д., проф
 Эшев С.С. - т.ф.д., проф

Таҳририят:
 Техник муҳаррир: Тоғаев И.Й.

Мусахҳихлар:
 Раҳманова Ю.Қ., Холиёров Б.Х.

Нашр учун масъуллар:
 Авлакулов М., Раҳматов М.И.

Таҳлилий гуруҳ:
 Маматов Ф.М., Узоқов Ғ.Н.,
 Эргашев Р.Х., Хазратов А.Н.

Манзил:
 180100. Қарши шаҳри.
 Мустақиллик кўчаси, 225

Телефон: 75 221 09 23
 +998 90 716 51 92

Сайт: <https://ojs.qmii.uz/index.php/it>

E-mail: mavlakulov@mail.ru

Итеос» МЧЖ билан 28.05.2020
 йилда 35817-01 сонли лицензион
 шартнома тузилган:

<https://cyberleninka.ru/journal/n/innovation-tehnologiyalar?i1064184>

Журнал Қашқадарё вилояти
 матбуот ва ахборот бошқармаси
 томонидан 2010 йил 4 октябрда
 давлат рўйхатида олинган ва 14-063
 рақамли гувоҳнома берилган.

Нашр индекси - 4074

ISSN 2181-4732

E-ISSN 2181-4015

48-сонли нашр.

Теришга тошпирилган сана 22.12.
 2022 й.

Нашрга рухсат берилган сана
 20.12.2022 й.

Чоп этилган сана 24.12.2022 й.

Бичими 60x84 1/8. Times
 гарнитураси. Шартли босма табоғи
 7,56 . Нашр босма табоғи 7,50.

Адади 100. Буюртма №71

ҚарММИИ“INTELLEKT” МИУ

нашриётида чоп этилди. Қарши

шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 225.

Нурiev М.К., Тухтақузиев А., Нурiev К.К., Ганиев Б.Г. Оценка интенсивности износа различных по геометрической форме рабочих поверхностей лемехов	64
Мухамеджанова С.Дж., Мансурова М.А., Мансури Д.С. Ганчина Ш. Анализ результатов сравнительных производственных испытаний модернизированной швейной машины с рекомендуемыми натяжными устройствами	68
Файзиев Ш.Ш. Исследование боковой рефракции при формировании температурного поля вокруг железной дороги и автомагистрали	72
Жонкобилов У.У., Ражабов У.М., Жонкобилов С. У. Исследование гасителя гидравлических ударов с диафрагмой и без диафрагмы	78
Хазратов А.Н. Грунт ўзанли канал кўндаланг кесимининг деформацияси	83

QISHLOQ XO'JALIGI FANLARI / AGRICULTURAL SCIENCES

Эгамназаров Ғ.Ғ., Пардаев О.Р., Ачилов Э.Т. Қурилмадаги ғалвир кўзларининг диаметрини асослашда уруғларнинг геометрик ўлчамларини ўрганиш натижаси	83
Остонакулов Т.Э., Суннатова С.Ф., Хуррамов Х.Э. Кузги сидератларни яшил ўғит сифатида кўллашнинг уруғлик картошка ҳосилдорлиги ҳамда сифатида таъсири	89
Омонов Ҳ., Бегбутаев Ҳ.А., Турдиев Ё., Мирзаев Н.Ф. Қашқадарё вилояти шароитида соя етиштириш тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш	92
Узақов Ғ.О., Авлакулова М.М. Суғориш меъёри ва муддатларининг кузги каттик буғдой навлари ўсиш-ривожланиш фазаларига таъсири	95
Ахмедов М.И., Шарипов О.Б., Адолатова Ш.Ж. Бухоро воҳаси турли даражада шўрланган суғориладиган тупроқлари шароитида интенсив кузги буғдой навларининг хусусиятлари ва ҳосилдорлиги	99

IQTISODIYOT FANLARI / ECONOMIC SCIENCES

Солодовников С.Ю., Турсунов И.Э. Факторы и риски управления перехода к сетевым механизмам в условиях цифровой экономики	103
Маматов Б.Ш. Тижорат банклари устав капиталидаги давлат улшининг инвестицион жозибадорликка таъсири	109
Муртозаев С.А. Ўзбекистон иктисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда давлат институтларининг ўрни	113
Бобоқулов С.Б. Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг хориж тажрибаси ва мамлакатимизда улардан фойдаланиш йўллари	116

“Инновацион технологиялар” журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан куйидаги фанлар бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида киритилган:

04.00.00 - ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ

05.00.00 - ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

06.00.00 - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ

08.00.00 - ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Журнал уч ойда бир марта чоп этилади

УЎТ 633.1

БУХОРО ВОҲАСИ ТУРЛИ ДАРАЖАДА ШЎРЛАНГАН СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА ИНТЕНСИВ КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИ

¹Ахмедов Муҳаммаджон Исмаилович - к.х.ф.н. E-mail: 202807499@mail.ru

²Шарипов Одилжон Бафоевич - б.ф.ф.д (PhD), доцент. E-mail: Sharipov3003@mail.ru
<https://orcid.org/0000-0002-4332-668X>

²Адолатова Шахноза Жумакул қизи- магистр. E-mail: shaxnoza.adolatova@bk.ru

¹Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Бухоро илмий тажриба станцияси.
Бухоро ш., Ўзбекистон.

²Бухоро давлат университети. Бухоро ш., Ўзбекистон.

Аннотация. Краснодар селекциясига мансуб Веха, Гурт, Зимница, Безостая 100 кузги буғдой навларининг шўрланишга, қурғоқчиликка таъсири, ўсиши, ривожланиши ва экиш муддатларининг навларнинг ҳосилдорлигига таъсири ўрганилган.

Калит сўзлар: воҳа, суғориладиган, гумус, минерал, қурғоқчил, фенология, Веха, Гурт, Зимница, экиш муддати, ҳосилдорлик.

Abstract. The influence of winter wheat varieties Vekha, Gurt, Zimnitsa, Bezostaya 100 of Krasnodar breeding on salinity, drought, growth development and the effect of sowing time on the productivity of varieties was studied.

Key words: oasis, irrigated, humus, mineral, winter hardiness, phenology, Vekha, Gurt, Zimnitsa, sowing time, productivity.

Жаҳонда буғдой ишлаб чиқариш ҳажми ҳозирда 650-685 млн.тоннани, йиллик истеъмол ҳажми эса 654-660 млн.тоннани ташкил этса, йиллик захира 160-190 млн.тоннага етади. Дунёнинг энг йирик буғдой ишлаб чиқарувчиси Хитой ҳисобланади. Статистик маълумотларга кўра, бу мамлакатда буғдой захиралари тахминан, 130 миллион тоннани ташкил этмоқда; иккинчи ўринни 90 миллион тонна кўрсаткич билан Ҳиндистон эгаллайди; учинчи ўринда эса ҳар бири 60 миллион тонна захира билан АҚШ ва Россия Федерацияси турибди.

Буғдой дунёнинг турли минтақаларида етиштирилса-да, унинг ўртача ҳосилдорлик даражаси иқлим шароити, ер унумдорлиги, танланган буғдой навининг ҳосилдорлигига қараб бир-биридан кескин фарқ қилади. Шимолий ва Марказий Европанинг мўътадил иқлим шароити буғдойдан юқори ҳосил олиш имконини беради, курук, қурғоқчил ёки совуқ худудларда буғдойнинг ҳосилдорлиги кескин камайиб бориши табиий ҳол. Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги кўмитаси дунёнинг кўплаб мамлакатларида экинлар ҳосилдорлиги ошмаслигини бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири деб ҳисоблайди. Зеро, дунё аҳолисининг умумий миқдори муттасил ўсиб бориши кишиларнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи ҳам ошишини кўрсатади.

Озиқ-овқат хавфсизлиги ҳар бир давлат учун аграр ва иқтисодий сиёсатнинг асосий мақсадларидан биридирки, бу умумий шаклда у ҳар қандай миллий озиқ-овқат тизимининг идеал ҳолатга ҳаракат қилиш векторини ташкил қилади. Шу нуқтаи назардан ёндашилганда ер юзининг исталган нуқтасида аҳоли учун, шу аҳоли яшаётган мамлакат учун озиқ-овқат хавфсизлигига интилиш доимий ва давомий жараён ҳисобланади. Демак, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш учун ривожланишнинг аксарият йўналишлари ва аграр сиёсат механизмини муттасил такомиллаштириб бориш жуда муҳим.

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси лойиҳасининг 3-йўналиши миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлашга қаратилиши замирида ҳам шу мақсадга эришиш мўлжали турибди.

Тадқиқот мақсади: Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Бухоро илмий тажриба станцияси суғориладиган ерларида Краснодар селекциясига мансуб Вежа, Гурт, Зимница, Безостая-100 кузги буғдой навларининг шўрланишга, курғоқчиликка, касалликларга чидамлилиги ва бошқа қимматли хўжалик белгилари бўйича фенологик кузатувлар олиб борилди ҳамда ҳосилдорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинди.

Тадқиқот майдонинг тупроқлари. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўрганилган ҳудуд тупроқлари механик таркибига кўра енгил, ўрта ва оғир кумок, баъзи жойларида кумлоқ.

Фракциялар ўлчамининг кичрайиши билан гумус ва азот миқдори ортади. Маълумки, Бухоро воҳаси суғориладиган тупроқларини лойқа сув билан суғорганда ундаги майда гард ҳолидаги заррачалар тупроқнинг ғовакларида механик равишда сақланиб қолади ва агроирригацион қатламни ҳосил қилади.

Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларининг механик таркибида майда кум (0,1-0,05 мм) 31,5-39,2%, йирик чанг (0,05-0,01мм) фракциялари– 20,2-31,1% устунлик қилиши ҳамда лойқа фракцияси (<0,001 мм)–12,2-16,8% нисбатан камроқ миқдоридалиги кузатилади. Суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда йирик чанг фракциялар (0,05-0,01мм)–32,5-56,7% ва майда кум фракциялари (0,1-0,05 мм)–28,8-33,5% устунлик қилади, ҳамда лойқа фракцияси (<0,001 мм) воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларига нисбатан кам –2,2-8,4% ва механик таркибига кўра тупроқ профили қатламлилиги билан ажралиб туради. [1.2]

Ўрганилган ҳудуд тупроқлари чўл зонасида тарқалганлиги ва экстраарид иқлим шароитларига эга бўлганлиги сабабли органик моддалар интенсив минерализацияга учрайди ва унинг натижасида шаклланган азотнинг минерал формаси кўп йиллик суғориш жараёнлари таъсирида пастки қатламларига ювилиб кетади ҳамда C:N нисбати кесма бўйича юқори горизонтларидан қуйи горизонтларига кўра камайиб боради, лекин воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқларида кўп йиллик намланиш натижасида минерализация жараёни султалашган бўлиб C:N нисбати профиль бўйича кескин камаймайди. Воҳа ўтлоқи тупроқлари ҳайдалма ва ҳайдалма ости қатламларида азот миқдори–0,058-0,082 % ни, пастки қатламларида 0,028-0,041 % ташкил этади. CO₂ карбонатлар кесма бўйича кескин фарқ қилмайди (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқот ҳудуди суғориладиган тупроқларнинг таркибидаги гумус ва озук элементлар миқдори

Горизонт (см)	Гумус (%)	Умумий азот (%)	Фосфор		Калий		CO ₂ (%)	C:N
			%	МГ/КГ	%	МГ/КГ		
Воҳа ўтлоқи-аллювиал тупроқлар								
0-25	1,19	0,098	0,205	17	0,843	176,7	6,55	7,0
25-50	0,97	0,082	0,185	15	0,723	120,5	6,55	6,8
50-76	0,78	0,069	0,09	12	0,602	144,6	8,24	6,6
76-112	0,62	0,058	0,06	5	0,482	72,3	8,76	6,2
НСР05	0,029	0,0023	0,0057	1,22	0,038	7,98	0,056	
P%	1,5	1,3	1,9	3,2	1,3	2,2	0,4	

Иқлим шароитлари. Ҳудуднинг иқлими курғоқчил, ёз фасли иссиқ, иссиқ шамоллар (гармсел) эсиши хос хусусият ҳисобланади. Ҳавонинг йиллик ўртача харорати +14,2.+18°C га тенг бўлиб, ёзда энг иссиқ – июль ойида ўртача +28,3.+29,6°C ни ташкил қилади, энг совуқ ой – январь ҳисобланади (1,5.-0,4°C). Ҳавонинг ўртача йиллик харорати вегетация даврида +22,8.+24,4°C атрофида бўлиши қайд қилинади. Ҳудудда сезиларли даражада совуқ кузатилмайдиган давр ўртача 212–214 кунга тенг бўлиб, бу даврнинг бошланиши 26-31 мартдан 22-25 октябргача давом этади.

Ҳудудда атмосфера ёғинлари ўртача 114-205 мм га тенг бўлиб, асосан қиш-баҳор фаслларида ёғади, ҳавонинг ўртача ойлик намлик даражаси Бухоро воҳаси ҳудудида йил давомида 51-53 % атрофида бўлиши, ёз фаслида ўртача 17-25 % ни ташкил қилиши қайд қилинган [2].

Дон ва дуккаккли экинлар илмий-тадқиқот институти Бухоро илмий-тажриба станциясида 2021 йилда кузги буғдойнинг Гурт, Веха, Безостая-100 ва Зимница навлари турли хил муддатларда экилди.

2-жадвал

Кузги буғдой навларининг экиш муддатлари ва асосий ривожланиш фазалари

Т/р	Навлар	Экиш муддати	Экиш меъёри	Фенологик кузатув саналари			
				Тўлиқ униб чиқиши	Панжалаш даври	Бошоқлаш даври	Тўлиқ пишиш даври
1	Гурт	17.10.2021	5,5	02.11.2021	11.11.2021	08.04.2022	04.06.2022
2	Веха	17.10.2021	5,5	02.11.2021	11.11.2021	08.04.2022	04.06.2022
3	Зимница	24.10.2021	5,5	08.11.2021	15.11.2021	14.04.2022	08.06.2022
4	Безостая	24.10.2021	5,5	08.11.2021	15.11.2021	14.04.2022	08.06.2022

Тажриба майдонида Гурт ва Веха навлари 17.10.2021 йил, Безостая-100 ва Зимница навлари эса 22.10.2021 йил санада 7 кун фарқ оралиғи муддатида экилди. Экиш меъёри бир хил гектарига 5,5 млн дона ҳисобида (2-жадвал).

Маълумки, кузги буғдойнинг ҳосилдорлиги маълум даражада тупланиш даврида физиологик жараёнлар қандай ўтганлигига, озика ва намлик билан таъминланиш даражасига бевосита боғлиқ бўлади [4.5]. Тажриба майдонида кузги буғдой навлари бир хил меъёрда минерал ўғитлар билан озиклантирилди ҳамда суғорилди.

3-жадвал

Кузги буғдой навларининг ўсимлик баландлиги ва атроф-муҳит омилларига чидамлилиқ кўрсаткичлари

Т/р	Навлар	Ўсилиқ бўйи, см	Чидамлилиқ, балл			Совуққа чидамлилиқ-и-ги, балл
			Ётиб қолишга	Тўкилишга	Қурғоқчиликка	
1	Гурт	95	5	5	4	5
2	Веха	90	5	5	4	5
3	Зимница	93	5	5	4	5
4	Безостая 100	87	5	4	5	5

Ўсимликларнинг муҳим кўрсаткичи бу ўсимлик бўйидир, ташқи омиллар таъсири шароитида навлар бўйича Гурт 95 см, Веха 93 см, Зимница 93 см ва Безостая 100 нави 87 см, кузги буғдой навларининг ўртача нав баландлиги 91,2 см ни ташкил этди.

Бизнинг тадқиқотларимизда кузги буғдойнинг барча навлари ётиб қолишга чидамлилиги бўйича юқори 5 балли кўрсатди (3-жадвал).

Тўкилишга чидамлилиги кузги буғдойнинг навларининг пишиш давлари бошидан кузатилади ва қайд этилади. Бунда навларнинг тўкилишга чидамлилиги айниқса ёмғирли, иссиқ об-ҳаво ва кучли шамол эганда аниқ кўринади, тўкилишга чидамлилиги навларда 4 балдан 5 баллгача бўлди.

Ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилиги - бу ҳимоя ва мослашувчан механизмларнинг бутун мажмуасига боғлиқ бўлган мураккаб хусусиятдир. Шунинг учун намуналарни ишончли ва объектив баҳолаш учун уруғларнинг униб чиқишининг комплекс бардошлилиги индексини аниқлаш усули қўлланилади. Тажрибада Безостая 100 навиди 5 балл қолган навларда 4 балл атрофида бўлди. Барча навларнинг совуққа чидамлилиги юқори 5 балли кўрсатди.

Ҳосил структураси морфобиометрик диагностиканинг якуний босқичидир ва ҳосилни ташкил этувчи элементларни кўрсатади шунингдек, унинг шаклланишида бевосита иштирок этади (В. Зерлинг, 1990).

4-жадвал

Кузги буғдой навларининг ҳосил элементлари кўрсаткичлари

Т/р	Навлар	Маҳсулдор поялар сони, 1 м ²	Бошоқдаги бошоқчалар сони,га	Бирта бошоқдаги дон массаси, гр	1000 дона дон вазни, гр
1	Гурт	502	21	1,3	42,0
2	Веха	489	21	1,1	41,8
3	Зимница	456	20	1,0	39,1
4	Безостая 100	434	19	0,92	39,8

Ҳосил структурасининг асосий элементлари - унумдор поялар, бошоқдаги бошоқчалар сони ва доннинг тугаллигидадир (С.И.Смулов, 2011) [3.4.5].

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, маҳсулдор поялар сони 1 м² да 502 дан 434 тагача, бошоқдаги бошоқчалар сони 19-20 тагача ўзгариб борди. 1000 дона дон вазни Гурт 42,0 гр, Веха 41,8 гр, Зимница 39,1 гр ва Безостая 100 навида 39,8 гр ни ташкил қилди (4-жадвал).

5-жадвал

Кузги буғдой навларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари тўғрисида маълумот

Т/р	Навлар	Майдони,га	Намлиги, %	Жами, кг	Ҳосилдор- лик, ц/ га
1	Гурт	5	10	34450	68,9
2	Веха	5	9	29350	58,7
3	Зимница	5	9	27900	55,8
4	Безостая 100	5	9	26200	52,4

Тадқиқотларимизда кузги буғдойнинг юқори ҳосилдорлиги Гурт 68,9 ц/га, Веха нави 58,7 ц/га шунингдек Зимница 55,8 ц/га ва Безостая- 100 навидан 52,4 ц/га ҳосил олинди (5-жадвал).

Шундай қилиб, биз Бухоро вилояти суғориладиган турли даражада шўрланган тупроқлари шароитида кузги буғдой навлари экилганда тупроқнинг физик-кимёвий хоссалари, механик таркиби ва шўрланиш даражаси сув билан яхши таъминланганлигини инобатга олиниши шунингдек, кузги буғдой навларини 20 сентябрдан 20 октябргача, ғўза қатор ораларида эса 1 октябрдан 25 октябргача экишни тавсия қиламиз. Ихтисослаштирилган кластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда шахсий томорқа эгаларига юқори ҳосилдор Гурт, Веха, Зимница ва Безостая- 100 кузги буғдой навларини оптимал муддатларда экишни тавсия қиламиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Sharipov Odiljon Bafoyevich, Lazizakhon Gafurova Dilafruz Makhkamova, Gulchekhira Nabieva BIODIAGNOSTIC INDICATORS OF IRRIGATED SOILS OF BUKHARA OASIS Solid State Technology Blind Peer Review Referred Journal Volume: 63 Issue:6 Publication Year: 2020, 105-117
2. Sharipov.O.B., Gafurova L. A., Kadirova D. A. Biological activity of oasis soils of the desert zone and the way of their optimization ISSN2411-6467 DOI:10.31618/ESU.2413-9335.2019.2.69 ЕВРАЗИЙСКИЙ СОЮЗ УЧЕНЫХ (ЕСУ) Ежемесячный научный журнал.- Москва, № 12 (69) / 2019 2 часть., стр- 27-32
- 3.Чепец Е.С., Чепец С.А. Урожайность и качество зерна озимой пшеницы в зависимости от норм высева // Сельское, лесное и водное хозяйство. – Июль 2014. – № 7 [Электронный ресурс].
4. Б.А.Сулаймонов, Б.С.Болтаев, Р.Ш.Тиллаев, Ш.Х.Абдуалимов. Кузги буғдой ва ғўза етиштириш асослари., Ўқув қўлланма Тошкент-2017, 12-18 бет.
5. <https://agroexpert.md/rus/rastenievodstvo/fazy-rosta-i-etapy-organogeneza-ozimoy-pshenitsy>

IQTISODIYOT FANLARI / ECONOMIC SCIENCES

УДК.338.242.4

ФАКТОРЫ И РИСКИ УПРАВЛЕНИЯ ПЕРЕХОДА К СЕТЕВЫМ МЕХАНИЗМАМ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

¹Солодовников Сергей Юрьевич - доктор экономических наук, профессор,
E-mail: solodovnicov_s@tut.by

²Турсунов Имомназар Эгамбердиевич - кандидат экономических наук, доцент,
E-mail: tursunov-ie64@mail.ru

¹Белорусский национальный технический университет, г.Минск, Беларусь.

²Каршинский инженерно-экономический институт, г.Карши, Узбекистан.

***Аннотация.** В статье показана новая совокупность экономических процессов в современной рыночной экономике, факторы и риски управления перехода к сетевым механизмам инновационного развития экономики. Экономика рисков – это экономика высокотехнических и наукоемких производств, характеризующаяся высочайшей степенью политико-экономических, технологических, финансовых неопределенностей и рисков.*

Ключевые слова: инновации, предпринимательство, информатизация, компьютерная техника, сетевые механизмы, цифровая экономика, экономика рисков.

***Abstract.** The article shows a new set of economic processes in a modern market economy, factors and risks of managing the transition to network mechanisms for innovative development of the economy. The economy of risks is the economy of high-tech and knowledge-intensive industries, characterized by the highest degree of political, economic, technological, financial and environmental uncertainties and risks.*

Key words: innovations, entrepreneurship, informatization, computer technology, network mechanisms, digital economy, risk economics.

Введение. Современные тенденции развития мировой экономики тесно связаны с возрастанием роли инновационных технологий и знаний в жизни общества. Экономика меняется, становится более инновационной, а в основе этих изменений лежит использование новых технологий, скоростных телекоммуникаций и трансформация системы образования. Сущность инновации проявляется в ее функциях, которые отражают назначение инновации в экономической системе и ее роль в хозяйственном процессе.

Эффективность инновационного развития экономики в развитых странах на порядок выше, чем в Узбекистане, во многом благодаря именно цифровизации. Развитию экономики в условиях цифровизации в последнее время уделяется пристальное внимание со стороны государства, обусловленное необходимостью обеспечить данную отрасль современными технологиями. Объявление 2020 года «Годом науки, просвещения и развития цифровой экономики» в Узбекистане имело большое символическое значение, так как в программе этого года была намечена полная цифровизация многих сфер.

Сегодня реализуются комплексные меры по активному развитию цифровой экономики, широкому внедрению современных информационно-коммуникационных технологий во все отрасли и сферы, в первую очередь, в государственное управление, бизнеса, образование, здравоохранение, промышленность, сельское хозяйство.

На сегодняшний день по цифровой экономике необходимо решение проблематике системного моделирования экономических процессов, механизмов управленческих решений, ситуационного анализа и организации сетей влияния и доверия [1].

Экономика рисков – это экономика высокотехнических и наукоемких производств, характеризующаяся высочайшей степенью политико-экономических, технологических, финансовых и экологических неопределенностей и рисков. В отличие от традиционных